# Л. И. БРЕЖНЕВ ШАРАФИГА ЗИЁФАТ

ВЕНА, 17 июнь. (ТАСС). АҚШ Президенти Ж. Картер кеча кечқурун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев шарафига АҚШнинг Австрия Республикасидаги элчихонасида зиёфат берди.

Зиёфатда Совет томонидан: СССР делегациясининг аъзолари — А. А. Громико, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко; Америка томонидан — С. Вэнс, З. Бжезинский, Г. Браун ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида Ж. Картер билан Л. И. Брежнев нутқ сўзладилар.

## Ж. КАРТЕР нутқи

Раис жаноблари!

Биз оқилона фикр юритиш руҳида ҳамжиҳатлик йўлларини қидириб топиш учун Венага келдик. Биз икки ўртадаги ихтилофларни аниқ билиб олиш ва ҳал этишга уриниш мақсадида бу ерга келдик. Биз ядро можаросининг олдини олиш йўлида олға қараб яна бир қадам қўйиш учун бу ерга келдик. Ядро можаросида жуда оз киши омон қолиши мумкин, лекин томонларнинг бирортаси ҳам ғалаба қилолмайди.

Раис жаноблари, мен бугун кечқурун сўзлайдиган нутқимда бир масалагагина тўхталиб ўтишим керак. Мен ҳар икки мамлакатларимизнинг қуролланиш устидан контроль ўрнатиш ва номуайянлик сари ҳар қандай ҳаракатнинг олдини олиш учун, оғишмай олға қараб бориш соҳасида муваффақият қозониш учун қадаҳ кўтаришни таклиф этаман. Бундай номуайянлик қуролланишни контроль қилиш ва жиловлаб қўйишга қобил бўлмаслигимиз орқасида рўй бериши мумкин.

Аммо, биз СҚЧ-2 тўғрисидаги шартнома яратиб берадиган жуда кенг имкониятларни эътиборга олишимиз лозим.

Биз стратегик қуроллар тўғрисида битим тузиш борасида олиб борилган ишлар давомида биргаликда ҳаракат қилиб, бошқа ижобий ўзгаришларга эришувимиз мумкин эканлигини аниқлаб олдик.

Аслини олганда СҚЧ тўғрисидаги янги шартномамиз бутун жаҳонда кескинликни ва конфронтацияни юмшатиш учун биз қидираётган асосий доираларнинг қўлга киритилишини таъминлай олади. Бу жаҳонда бошқарувнинг янги хилма-хил формалари тез таркиб топмоқда. Навқирон миллатлар ўзларининг янги мустақил ўрнини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар. Биз ирқчилик барҳам топиб, мустамлакачилик ниҳоясига етганлигининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Бутун жаҳонда қашшоқлик ва социал адолатсизликка қарши ҳаракат кенгайиб боряпти.

Айни вақтда биз жаҳоннинг баъзи районларидаги можаролар вужудга келтираётган хавф-хатарларга дуч келмоқдамиз. Бундай можаролар бутун жаҳон миқёсида халқаро муносабатларга путур етказади ва ядро қуролининг ҳамда оддий қурол-яроғларнинг тарқатилишига ёрдам беради.

Биз жамиятларнинг ўзидаги, шунингдек улар ўртасидаги муносабатларнинг кўпроқ хилма-хил бўлишига олиб борадиган ўзгаришларга ёрдам беришни ўз бурчимиз деб биламиз. Биз кенг кўламдаги тенглик ва ривожланаётган мамлакатларга тобора кенг иқтисодий имкониятлар бериш тарафдоримиз. Биз шу мақсадларга эришиш йўлида бизга халақит бериши мумкин бўлган можароларнинг олдини олиш иложи борлигига ишонамиз.

Биз турли мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожлантирилишига, низоларнинг тинч бартараф қилинишига, иқтисодий юксалиш, социал адолатга ва бутун жаҳонда инсон ҳуқуқларига риоя қилинишига ёрдам берамиз.

Биз муҳокама давомида кўриб чиқишни истаган ғоялар ана шулардан иборат. Биз бу ғояларни Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларга хос ғоят юксак масъулиятни сезган ҳолда муҳокама қиламиз.

Биз бошқа мамлакатларни янсон қилиб юбориш учун етарли қудратга эга эканлигимиз каби факт бошқа мамлакатларни контроль қилиш ҳуқуқига эгамиз ёки контроль қилиш зарурати олдида турибмиз, деган маънони англатмайди.

Мен ядро қуролларини чеклаш соҳасида кўрилган ва муваффақият билан тугалланган тадбирларимиз ҳамкорликнинг янги соҳалари сари бизга йўл кўрсатиб бериши ва биз аввалдагидек рақобат қилиб келаётган соҳалардаги проблемаларни тинч ҳал этиш учун негиз бўлиб хизмат қилиши мумкин, деб ҳисоблайман.

Раис жаноблари, СҚЧ-2 тўғрисидаги шартномани тузиш соҳасида муваффақият қозонганлигимиз учун қадаҳ кўтарганимизда оқилона фикр юритишга амал қилиб, ҳамжиҳатликнинг янги формаларини қидириб топиш мажбуриятини олайлик. Ҳамкорлигимизни давом эттиравериш, музокараларда ҳалол иш кўриш, ҳар икки мамлакатнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва энг муҳими — бутун жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш мажбуриятини олайлик.

## Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли Президент жаноблари!

Жаноблар!

Ўртоқлар!

Мамлакатимиз ва унинг раҳбарлари шаънига эзгу сўзлар айтганлиги учун Президент Картерга самимий миннатдорчилик изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Совет Иттифоқида шу учрашув ўтказилишини мамнуният билан қабул қилмоқдалар. Мен Президент Картер билан шахсан танишганлигимдан хурсандман. Президент жаноблари, Сиз билан биз бу учрашувимизга анча узоқ ва қийин йўл билан келдик. Аммо вақт ва куч-ғайрат беҳуда сарфланмади. Ҳар икки томоннинг зўр ғайрат билан қилган меҳнати туфайли самарали музокаралар олиб бориш учун замин вужудга келтирилди. Мамлакатларимизнинг халқлари ва Ер юзидаги барча тинчликсевар кишилар бу музокараларнинг натижаларидан хурсанд бўладилар, деб умид қиламан.

Биз бу ерда тинч бетараф Австриянинг меҳмонларимиз. Бу — маълум даражада рамзий маънога эгадир. СССР, АҚШ, шунингдек Франция ва Англиянинг ҳамкорлиги Австриянинг шундай статуси учун кўп жиҳатдан имконият яратиб берди. Бу — тинч-тотув яшаш сиёсатининг реал самараларидан биридир.

Биринчи кундаги суҳбатларнинг ўзиёқ ҳар икки томон муҳокама этилаётган проблемаларнинг аҳамиятини аниқ-равшан тушуниб олганлигини кўрсатди. Ядро урушининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун ҳамма чораларни кўриш тўғрисида 70-йилларнинг биринчи ярмидаёқ келишиб олинди. Бизнинг мамлакатларимиз суверенитет, тенглик, ички ишларга аралашмаслик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ўз ўрталаридаги тинч муносабатларни ривожлантириш мажбуриятини олдилар. Бундай битимларга келиш осон бўлмади: ижтимоий тузумдаги, сиёсий системалардаги ва ҳар икки томоннинг қарашларидаги тафовутлар бунга халақит берди. Аммо шундай бўлса ҳам, оқилона фикр юритиш ва реалликни англаш устун келди.

Афсуски, кейинчалик мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар бир маромда ривожланмади. Муносабатларда турғунлик ҳам рўй берди, ҳатто баъзи масалаларда ўйлаб қўйилган йўлдан чекинишлар ҳам бўлди. Бу ҳол жаҳондаги бутун вазиятга ҳам таъсир кўрсатди. Менинг фикримча, бу учрашув Совет—Америка муносабатларини яхшилаш ва халқаро иқлимни соғломлаштиришда муҳим қадам бўлиб қолиши мумкин.

Аммо, бу йўлдан олға ҳаракат қилиб бориш бундан буён ҳам кўп куч-ғайрат, мардлик ва сабот-матонатни, шубҳасиз, талаб этади. Гарчи бемаъни бир ҳол бўлиб кўринса-да, мамлакатларимиз ўртасидаги нормал муносабатларнинг ва тинч ҳамкорликнинг мухолифлари ҳам бор. Совет—Америка муносабатларидаги кескинлик уларнинг дидига ёқади. Баъзи бировлар эса СССР билан АҚШни тўқнаштириб қўйишни очиқдан-очиқ орзу қилмоқдалар. Президент жаноблари, менинг фикримча, бундай ниятларнинг амалга оширилишига йўл қўймаслик Сиз билан бизнинг халқларимиз олдидаги ва бутун жаҳон олдидаги бурчимиздир.

СССР билан АҚШ ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг душманлари «совет ҳарбий хавфи» деган сафсаталардан актив фойдаланмоқдалар. Қизиқ бир ҳол: Совет Иттифоқи давлатлар ўртасидаги тинч муносабатларни ривожлантиришга кўп ҳисса қўша борган сари, у қурол-яроғларни чеклаш ва янги уруш хавфини камайтириш тўғрисида зўр сабот-матонат билан конкрет таклифларни илгари сура борган сари, сиёсатимиз тўғрисида бўлмағур гапларни шу қадар зўр бериб тарқатмоқдалар.

Бирон бир мамлакатдаги ижтимоий жараёнларни, халқларнинг мустақиллик ва социал тараққиёт йўлидаги курашини «Москванинг ҳийла ва найранги» деб тасвирлашга ҳам уринмоқдалар.

Совет кишилари халқларнинг озодлик кураши билан, албатта, бирдамдирлар. Бизнинг бирон бир мамлакатдаги сиёсий режимларга берадиган баҳомиз кўпинча АҚШдаги баъзи доираларнинг берадиган баҳосидан ғоят фарқ қилади. Аммо СССР бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашишга қаршидир. Бу — бизнинг принципиал позициямиздир. Биз ҳар бир халқ ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқига эгадир, деб ҳисоблаймиз. Модомики шундай экан, тарихнинг объектив бориши учун масъулиятни Совет Иттифоқи зиммасига юклаш ва хусусан бундан муносабатларимизни мушкуллаштириш учун бир баҳона сифатида фойдаланишнинг нима ҳожати бор?

Лекин шунга қарамай, эндиликда ҳам реализм, заковат билан ёндашиш ва давлат донишмандлиги пировард натижада ғалаба қилади, деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам ғалаба қиладики, муносабатларимизни яхшилаш ва ривожлантириш тарафдорларининг ҳар икки мамлакатдаги кўп миллионли граждандар оммасидан, жаҳондаги барча халқлардан иборат қудратли иттифоқчилари бор.

Бизнинг Президент Картер билан биринчи учрашувимиз жуда катта аҳамиятга молик воқеа сифатида нишонланади. Биз стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги шартномани узил-кесил тасдиқлашимиз ва имзолашимиз керак.

Биз қуролланиш пойгасини чеклашнинг бошқа бир қанча жиҳатларини, шунингдек халқаро аҳвол проблемаларини ва икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир баъзи масалаларни ҳам муҳокама қиламиз. Хуллас, ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Биз бу учрашувни амалий ва конструктив тарзда, самимият ва ўзаро ҳурмат руҳида бошладик. Бу эса фойдали якунларга умид боғлаш имконини беради. Ҳар икки мамлакатларимизнинг халқларигина эмас, тинч ва осойишта ҳаётга муҳтож бўлган барча мамлакатларнинг халқлари ҳам шуни кутмоқдалар. Уларни ноумид қилмайлик.

— Америка Қўшма Штатларининг Президенти Картер жанобларининг соғлиғи учун!

— Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасидаги тинч ва яхши муносабатларни муваффақиятли ривожлантириш учун!

— Бутун жаҳонда мустаҳкам тинчлик учун қадаҳ кўтаришни таклиф этаман!

# АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ ШАРАФИГА ЗИЁФАТ

**ВЕНА,** 17 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 17 июнь кечқурун СССРнинг Австрия Республикасидаги элчихонасида АҚШ Президенти Ж. Картер шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Совет томонидан: делегация аъзолари — А. А. Громико, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, Н. В. Огарков, шунингдек КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Г. М. Корниенко, СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин;

Америка томонидан — С. Вэнс, Г. Браун, З. Бжезинский, Д. Жонус, шунингдек АҚШнинг СССРдаги элчиси М. Тун ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

## Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли Президент жаноблари!

Ҳурматли америкалик меҳмонлар!

Ўртоқлар!

Биз Президент Картерни ва музокараларда қатнашувчи барча америкалик шерикларимизни чин кўнгилдан табриклаймиз.

Бизнинг музокараларимиз давом этмоқда, гарчи дастлабки бўлса ҳам баъзи якунлар тўғрисида ҳозирнинг ўзидаёқ гапириш мумкин.

Биз стратегик ҳужум қуролларини чеклаш проблемаларини муҳокама қилиб бўлдик. Эртага СҚЧ—2 шартномаси имзоланади. Президент бу ҳужжат алоҳида аҳамиятга молик бўлади деган фикрга қўшилади, деб ўйлайман. Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар қимматга тушадиган хатарли қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўлида янги жуда катта қадам қўймоқдалар, улар ҳатто энг мураккаб ва энг қалтис масалаларни биргаликда ҳал эта олажакларини жаҳонга яққол исботлаб бермоқдалар.

Янги шартнома реалистик ва конкрет шартномадир. Унинг моҳияти — қурол-яроғларнинг миқдорини чеклашдан ва уларнинг сифатини такомиллаштиришга йўл қўймасликдан иборат; шартнома тенглик ва бир хил даражадаги хавфсизлик принципига асосланган. Томонларнинг шартнома юзасидан олинган барча мажбуриятларни бажариши жиддий синовга бардош беради.

Бу — кўп йиллар мобайнида зўр ғайрат билан қилинган ишларнинг якуни, манфаатларнинг бир-бирига мос бўлишидир. Бу шартноманинг ҳар бир қоидаси, мен ҳатто ҳар бир сўзи ҳам дер эдим, ўн марталаб ўйлаб, ўлчаб кўрилган.

Бунда мурасага келинганлиги кўриниб турибди, албатта, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар томон шартнома текстини ўзи учун бошқачароқ, мақбулроқ шаклда кўришни истар эди, аммо томонларнинг ҳар бири шеригининг қонуний манфаатларини эътиборга олиб, бирор масалада ён бериши керак эди. Ана шу мураккаб ва машаққат билан қурилган бинони ларзага келтириш, ундаги бирон деталини ўзгартириш, уни ўзига яқин келтириш, йўлидаги ҳар қандай уринишлар ҳеч қандай истиқболга эга эмас. Бутун конструкция барбод бўлиб, муносабатларимиз учун ва умуман жаҳондаги вазият учун оғир ва ҳатто хатарли оқибатлар келтириб чиқариши мумкин эди. Президент Картер ва АҚШнинг бошқа раҳбар арбоблари ҳам яқинда сўзлаган нутқларида буни огоҳлантириб ўтдилар.

Бизга келганда, ишонтириб айта оламанки, Коммунистик партиямизнинг раҳбарлари ҳам, СССР Олий Совети ҳам, бутун совет халқи ҳам аҳдлашиб олинган масалалар муҳим эканлигини яхши англайдилар. Улар ана шу аҳдномани тўла-тўкис қўллаб-қувватлайдилар ва ундан ҳар қандай чекинишларга, унинг руҳи ва ҳарфига путур етказиш йўлидаги уринишларга асло рози бўлмайдилар. Мен бунга аминман. СССР шартномани тузиш билан ўзи имзолаган бошқа ҳамма битимлар каби уни ҳам аниқ ва қатъият билан бажаради.

СҚЧ—2 шартномаси СҚЧ—3 сари олға ҳаракат қилиб бориш учун йўл очиб беради. Бу, эҳтимол, янада мураккаб иш бўлиши мумкин. Шу пайтгача музокараларимизнинг қавсда қолиб келган бир қанча жиддий стратегик ва географик омилларини ҳисобга олишга тўғри келади. Аммо биз қатъий ният, конструктив ва ҳалол ёндашиш мавжуд бўлган тақдирда бу вазифани ҳам ҳал эта оламиз, деб ўйлайман.

Президент Картер билан мен СҚЧ—2 ҳақидаги аҳднома ҳарбий соҳада мусобақани чеклашга доир бошқа масалалар ҳақидаги музокараларда олға қараб тезроқ қадам қўйиш учун омил бўлиб хизмат қилади, деган умумий хулосага келдик.

Ниҳоят, Марказий Европадаги қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш юзасидан бу ерда, Венада олиб борилаётган музокараларда бамаслаҳат бир қарорга келиш пайти келган. Президент билан олиб борган суҳбатларимиз ҳар икки томон бу ишни жадаллаштиришни ёқлаб чиқаётганлигини ва бунда СССР билан АҚШнинг ташаббуси ва яхши намунаси фойдали роль ўйнай олади деб ҳисоблаётганликларини кўрсатди. Биз бу соҳада биргаликда баъзи тадбирларни кўра оламиз, деб ўйлайман. Венадаги учрашув бошқа учрашувларга ҳам чорлайди, деб умид қиламиз.

Биз халқаро ишларда СССР билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликка жуда катта аҳамият бермоқдамиз. Мамлакатларимизнинг куч-қудрати ва таъсири улар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Пропаганда руҳидаги ҳужумлар эмас, қандайдир «куч ишлатиш» найранглари эмас, балки донолик билан вазмин иш кўриш, ўз шеригининг қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш ҳамда оқилона ва бехатар дунёни барпо этишда умумий тил топишга виждонан интилиш, бизнинг фикримизча, муваффақият қозониш калитидир. Биз шу руҳда ҳаракат қилиб, ўз ҳамкорлигимизни учинчи мамлакатларнинг биронтасига қарши қаратмай, СССР ва АҚШ халқлари учун ҳам, умуман бутун инсоният учун ҳам кўпгина фойдали ишларни қила оламиз, деб ўйлайман.

Биз халқаро ишларда биргалашиб ҳаракат қилиш соҳасида яхши тажрибага эгамиз. Масалан, 1973 йилда Яқин Шарқда уруш ўчоғини тугатиш мақсадида биргаликда қилинган ишларни эслатиб ўтиш кифоядир. Хельсинкидаги Умумевропа кенгашига тайёргарликдаги ҳамкорликни ҳам эслатиб ўтиш керак, албатта.

Маълумки, СССР раҳбарлари халқаро кескинликни юмшатишнинг энг қатъий тарафдорларидир. Аммо кескинликни юмшатиш ишнинг бошланишигина холос. Биз бошқа давлатлар билан бўлгани каби Америка билан муносабатларимизда ҳам бундан кўпроқ натижаларга эришишни истаймиз. Биз ҳақиқатан ҳам яхши қўшничилик муносабатларини — ҳарбий можаролар бўлишига йўл қўймайдиган соғлом, мустаҳкам муносабатларни истаймиз, биз бунинг учун халқларимизни яқинлаштириш соҳасида катта ишлар қилишга тайёрмиз. Бунда ҳамжиҳат бўлиб иш кўриш керак, албатта. Ҳамжиҳатлик кўприклари шундай бир нарсаки, уни ҳар икки томоннинг биргаликда қиладиган ҳаракати билангина барпо этиш мумкин.

Шу боисдан, биз экономика, фан, маданият соҳасида ва бошқа соҳаларда Совет-Америка муносабатларини ривожлантириш масалалари юзасидан Президент Картер билан фикрлашиб олишни фойдали деб ҳисоблаймиз. Бизнинг учрашувимиз бунда ҳам илҳомбахш омил бўлиб хизмат қилади, деб ишонгимиз келади.

Умуман олганда, бу учрашув сермазмун ва самарали бўлганлиги ҳозирнинг ўзидаёқ аёндир. Менинг фикримча, биз Президент Картер билан мамлакатларимиз ўртасидаги келишув доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилдик.

Бундай учрашувлар келгусида ҳам ўтказиладиган бўлса, биз рўёбга чиқариш учун ҳозир Венага тўпланган эзгу ишни давом эттириш гарови бўлиб қолаверади.

Президент Картернинг ва америкалик барча шерикларимизнинг сиҳат-саломатлиги учун;

Америка халқи учун;

СССР билан АҚШ ўртасидаги яхши муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик халқларимизнинг бахт-саодати йўлида ва бутун жаҳонда тинчлик иши манфаатлари йўлида халқаро ҳаётнинг доимий омили бўлиб қолиши учун қадаҳ кўтаршни таклиф этаман!

* * *

Ж. Картер жавоб нутқи сўзлади.

## Ж. КАРТЕР нутқи

Раис жаноблари, аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун сидқидилдан кўтарган қадаҳингиз учун миннатдорчилик изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Раис жаноблари, бугун биз ҳар биримиз учунгина эмас, бутун жаҳон учун ҳам муҳим бўлган бир қанча проблемаларни муҳокама қилдик. Ана шу проблемаларнинг баъзилари юзасидан, ҳусусан қуролли кучлар устидан назорат ўрнатиш соҳасидаги проблемалар юзасидан ўз ўртамиздаги ҳарбий рақобатни чеклайдиган қоидаларни ишлаб чиқиш ва ядро қуроли устидан контроль ўрнатиш ҳамда унинг тартибини белгилаш соҳасида илгари силжиш учун асос яратиш йўлидаги ҳаракатларимизни олға сура олдик.

Биз бошқа баъзи проблемалар юзасидан ҳамиша ҳам бир фикрга кела олдик ва масалага бир хил ёндашиш йўлини ишлаб чиқа олдик, деб бўлмайди. Аммо биз ана шу ихтилофларни тинч бартараф қилиш йўлларини қидириб топишни давом эттириш ҳақида келишиб олдик.

Ҳар икки мамлакатимиз ҳозирги кунда жаҳоннинг кўп районларини қамраб олган ўзгаришлардан келиб чиқадиган хавф-хатарларга дуч келмоқда. Иккита асосий ядровий давлат бўлмиш бизнинг зиммамизга ана шу ўзгаришлар билан шуғулланишдан иборат асосий бурч юкланади.

Мен бизнинг олдимизда иложи бўлган икки йўл бор, деб ҳисоблайман. Рақобат қилиш йўли ва ҳатто конфронтация йўли бор. Мамлакатларимиздан ҳар бирининг жаҳоннинг турли районларида мавжуд бўлган тартибсизликдан фойдаланишга ҳар қандай уриниши бизни ана шу йўлга чорлайди. Қўшма Штатлар биз учун шу йўлдан боришга тўғри келганида ўзининг муҳим ҳаётий манфаатларини ҳимоя қила олади ва ҳимоя қилади.

Аммо бошқа бир йўл ҳам бор — бу тийилиб туриш ва иложи бор жойда ҳамкорлик қилиш йўлидир. Биз бу йўлни афзал кўрамиз.

Раис жаноблари, Сизнинг зўр ғайрат билан қилган жуда катта ишларингиз натижасида Европада кескинликни юмшатиш жараёни ривожланиб бормоқда, бу жараён жаҳоннинг бошқа районларини ҳам қамраб олади, деб умид қиламан. Биз тийилиб туриш, бир-биримизнинг манфаатларимизни ҳурмат қилиш ва ҳаддан ташқари рақобат хавфли эканлигини эътироф этиш қоидалари Европада янада барқарор тинчликка олиб келиши ва бу қоидаларнинг планетамиздаги бошқа нотинч районларга нисбатан ҳам аста-секин жорий этила олиниши учун биргаликда иш кўра оламиз, деб умид қиламан.

Африканинг жанубида ирқий адолат учун кураш давом этмоқда. Биз америкаликлар зўравонлик масалани ҳал этиш йўли эмаслигини биламиз ва шу сабабли у ерда рўй берган можароларни тинч бартараф қилиш йўлини қидирмоқдамиз.

Жануби-Шарқий Осиёда уруш давом этмоқда, чет эл қўшинлари ўзгаларнинг территориясига ҳужум қилиб, босиб олмоқдалар. Кампучиядаги уруш чет эл қўшинларини олиб чиқиб кетиш ва миллий мустақилликни ҳамда халқаро чегараларни ҳурмат қилиш йўли билангина тамомланиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Ҳаммамиз ўз уйлари ва ўз юртидан ҳайдаб юборилган ўн минглаpча жафокаш кишиларнинг ғам-ғуссасига ҳамдард бўлишимиз керак. Жаҳон 30-йилларда Европадаги қочоқларга тамомила бефарқ қараган эди, бу ҳол 70-йилларда Осиёда такрорланмаслиги керак.

Яқин Шарқда Исроил билан Миср кенг кўламдаги сулҳга эришиш йўлида тарихий қадам қўйди. 30 йил давом этган адоват уруш ва терроризмнигина олиб келган эди. Миср ва Исроил раҳбарларининг мардлигигина эндиликда ялпи тинчликка олиб борадиган йўлга ўтиб олишимиз учун имконият яратиб беради.

Қўшма Штатлар халқаро майдондаги ана шу барча муҳим масалаларда ихтилофларни тинч бартараф қилишни ёқлаб, куч ишлатишга қарши чиқмоқда.

Худди шунингдек биз уруш қуролларини назорат остига қўя оладиган тадбирлар кўрилишига ҳам тарафдормиз.

Биз бу ерда имзолайдиган СҚЧ тўғрисидаги шартнома яхши пойдевор яратиб беради. Бу пойдевор қурол-яроғлар устидан контроль ўрнатиш соҳасида бошқа чоралар кўрилиши туфайли мустаҳкамланади. Биз биргаликда шундай чоралар кўришга ҳаракат қилмоқдамиз. Ихтилофларимизни барча мамлакатларнинг мустақиллиги ва ҳар бир инсоннинг қадр-қимматини ҳурмат қилиш руҳида камайтира олишимиз учун шу пойдевор устида бино қурамиз.

Ҳар иккимиз ҳужум қуролидан бошқа бирон мамлакатга қарши агрессия қилиш учун ҳеч қачон фойдаланмасликка аҳд қилайлик.

Жаҳоннинг нотинч районларида чет эл қуролли кучларидан фойдаланишга қарши ҳаракат қилайлик ва бевосита алоқадор бўлган халқлар ўртасида низоларнинг тинч бартараф қилинишини рағбатлантирайлик.

Раис жаноблари, ҳозирги пайтда Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи зиммасига тийилиб ҳаракат қилиш ва ўзаро келишиб олишга эришиш учун шундай масъулиятли бурч юкланганки, жаҳон тарихида икки мамлакат зиммасига ҳеч қачон бундай масъулият юкланмаган эди. Бизнинг ўртамизда тарих, идеология ва иқтисодий ҳамда социал системалар борасида кўпгина тафовутлар бор. Раис жаноблари, ҳар иккимиз келажакнинг ташвишини тортмоқдамиз ва биз ҳалол ва эзгу ният билан иш кўриб, ер юзида хатарсиз, кўпроқ тинчлик бахш этадиган шарт-шароитлар сари олиб борадиган йўлда илгари силжий оламиз. Мен бунга аминман.

Менинг янги дўстим — Раис Брежнев соғлиғи учун!

Қаҳрамон совет халқи учун!

Ҳар икки давлатимизнинг ядро қуроли билан қуролланиш пойгасини жиловлаб қўйиш йўлидаги қатъий ҳатти-ҳаракатлари учун қадаҳ кўтаришни таклиф этаман!

# БАРҚАРОР ВА ИЖОБИЙ ҲАМКОРЛИК САРИ

**Бутун дунёдаги давлат арбоблари, жамоатчилик, оммавий ахборот воситаларининг диққат-эътибори ҳамон КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев билан АҚШ Президенти Ж. Картер ўртасида Венада олий даражада ўтказилаётган совет — америка музокараларига қаратилган. Бир қанча масалалар хусусида СССР билан АҚШнинг нуқтаи назарида тафовутлар бўлишига қарамай, Венада ҳар иккала давлат тенглик, манфаатларни ва ҳар икки томон учун қулайликни ўзаро ҳурматлаш асосида турли соҳаларда барқарор ва ижобий ҳамкорлик қилишга интилаётганликларини билдирди, деган фикр эълон қилинаётган материалларнинг асосий мазмунини ташкил этади. Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар стратегик ҳужум қуролларини чеклаш проблемасини муҳокама қилишни тугаллаб, хатарли ва ғоят кўп маблағ талаб қиладиган қуролланиш пойгасини тўхтатиб қўйиш сари олға қараб янги катта қадам қўйганликлари, улар ҳатто энг мураккаб ва нозик масалаларни ҳам биргаликда ҳал этишга қодир эканликларини бутун дунё олдида яққол исбот этаётганликлари уқтириб ўтилмоқда.**

Ҳиндистон Бош министри **М. Десаи** Прагада бундай деди: «Биз ялпи ва тўла қуролсизланишга жуда катта аҳамият берамиз ва жаҳон халқларини шу йўлда ҳар жиҳатдан куч-ғайрат сарфлашга даъват этамиз. Биз шуни мамнуният билан таъкидлаб ўтамизки, СССР билан АҚШнинг олий раҳбарлари ҳозирги пайтда Венада учрашиб, халқаро тинчликни мустаҳкамлаш йўллари ва воситаларини муҳокама қилмоқдалар. Биз уларнинг СҚЧ тўғрисидаги янги шартномани имзолашга қарор берганликларини табриклаймиз».

«СҚЧ тўғрисида Совет — Америка музокараларининг муваффақиятли тугалланишини ЧССР зўр мамнуният билан табриклайди, деди ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти **Г. Гусак.** Тегишли шартноманинг тузилиши ва тез орада ратификация қилиниши умуман халқаро вазиятга ижобий таъсир қилади ва бошқа муҳим проблемаларнинг ҳал этилишига ёрдам беради, деб ишонамиз».

Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси **Н. М. Тараки** бундай деди: «Афғонистон раҳбарлари СҚЧ-2 шартномасининг тузилишига юксак баҳо берадилар. Барча тинчликсевар давлатлар сингари демократик Афғонистон ҳам бу ҳужжатнинг имзоланишини мамнуният билан кутиб олади. Унинг имзоланиши бутун инсониятнинг тақдирига ижобий таъсир қилади ва бутун дунёда тинчлик манфаатларига хизмат қилади».

«Нью-Йорк Таймс» газетасининг Венадаги мухбири хабар беради: «Икки давлат раҳбарлари учрашув давомида ядро қуроллари устидан назорат ўрнатиш йўлида ҳар икки томон бундан буён ҳам куч-ғайрат сарфлашини билдирди». Газета шунингдек Ғарбий Европа мамлакатлари Венада олий даражадаги учрашувни табриклаётганликларини уқтириб ўтади.

**«Вашингтон пост»** газетаси Ж. Картернинг ёрдамчилари «икки буюк давлат раҳбарлари ўртасида музокаралар бошлангандан бери қарор топган муҳитдан мамнундирлар», деб таъкидлайди. Газета иккала мамлакат олий раҳбарлари Венадаги учрашувда муҳим проблемаларни бевосита муҳокама қилиш имкониятига эга бўлдилар, деб таъкидлаб ўтади.

Американинг **«Дейли Уорлд»** газетаси СҚЧ-2 АҚШ билан СССР ўртасида янги шартномалар тузиш йўлини очиб беради, деб ҳисоблайди. «Космик, медицина ва бошқа тадқиқотлар соҳасида давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳозирнинг ўзидаёқ сезиларли самаралар берди», деб ёзади газета.

Америка — Совет дўстлиги миллий кенгашининг президенти Р. Морфорд бундай деди: Совет давлатининг ва шахсан тинчлик учун атоқли курашчи Л. И. Брежневнинг Қўшма Штатлар билан яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатликни ривожлантиришга, тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлида ҳар иккала энг буюк давлатнинг биргаликда ҳаракат қилишига қаратилган чуқур, принципиал ва изчил йўлини юксак қадрлаймиз. Барча соф виждонли америкаликлар халқаро кескинликни юмшатишга путур етказишга, қуролланиш пойгасини кучайтиришга интилаётган реакция ва «совуқ уруш» кучларига қатъий зарба беришга азми қарор қилгандир.

Кейинги кунларда ўтказилган сўровлар америкаликларнинг 76 проценти Совет—Америка шартномасини ратификация қилишга қатъий тарафдор эканлигини кўрсатди, деб уқтириб ўтди АҚШ жамоатчилик фикри хизматининг раҳбари **Л. Харрис.** Америкаликларнинг кўпчилиги, шунингдек совет — америка музокараларини қизғин маъқуллаётганликларини, уни мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни яхшилашнинг, термоядро уруши хавфининг олдини олиш ва халқаро вазиятни яхшилашнинг бирдан-бир оқилона йўли, деб билганликларини маълум қилдилар.

Польшанинг **«Трибуна люду»** газетаси бундай деб ёзади: Австрия пойтахтидаги музокаралар ҳозирги замоннинг энг муҳим воқеасидир. Шу музокараларга бутун дунёнинг қизиқиб қараётганлигига сабаб шуки, совет — америка муносабатларининг аҳволи амалда тинчликнинг ва халқаро хавфсизликнинг мустаҳкамлигини белгилайди. Совет Иттифоқининг кўп йиллардан бери изчиллик билан олиб бораётган сиёсати совет — америка муносабатларига ижобий руҳ беришга ва шу асосда жаҳон миқёсида кескинликни юмшатиш жараёнини ривожлантиришга қаратилгандир. Л. И. Брежнев шундай сиёсатни мужассамлантирувчи раҳбар, СССРнинг ва социалистик ҳамдўстликдаги барча давлатларнинг тинчлик муддаоларини ифодаловчи сифатида музокаралар олиб бориш учун Венага келди. СССР билан АҚШ шу олий даражадаги учрашувга анча узоқ ва қийин йўлни босиб келдилар. Аммо Л. И. Брежнев уқтириб ўтганидек, вақт ҳам, куч-ғайрат ҳам зое кетмади. Ҳар икки томоннинг матонатли меҳнати туфайли самарали музокаралар учун имконият вужудга келди. Биз аминмизки, бу музокараларнинг натижалари ер юзидаги ҳамма тинчликсевар кишиларни қувонтиради.

Л. И. Брежневнинг Ж. Картер билан олиб борган музокаралари вақтида айтган сўзлари Совет Иттифоқи раҳбарларининг, бутун совет халқининг Совет — Америка муносабатлари узоқ келажакка мўлжалланган тинчлик ва кенг ҳамкорлик муносабатлари бўлишини истаганликларидан далолат бермоқда, деб уқтириб ўтади Болгариянинг **«Работническо дело»** газетаси. Совет Иттифоқининг Қўшма Штатларга нисбатан бирон-бир душманлик муддаолари йўқ. СССР бирон-бир жойда АҚШ ҳисобидан бирон-бир фойда ёки устунлик қидираётгани йўқ. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи АҚШда ҳарбий ҳаражатларнинг кўпаяётганлиги учун тамомила қонуний равишда ташвишланмоқда. Л. И. Брежнев ҳам бунга эътиборни жалб этди. Ҳарбий ҳаражатларнинг кўпайиши ва қуролланиш пойгасининг кучайтирилиши давлатларни хавфсизликка эмас, балки кўпроқ аксинча натижага олиб келади. Хавфсизликни мустаҳкамлашнинг реал йўли ҳарбий қарама-қаршилик даражасини камайтиришдан иборат.

(ТАСС, 18 июнь).

